

**КИМЁНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**Ўринова Озодахон Ўлжаевна**

*Фарғона давлат университети кимё кафедраси доценти*

**Аннотация:** Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётида янгича қарашлар қарор топаётган бир шароитда ёш авлод таълим-тарбиясини ташкил этиши, бошқариши, баркамол шахсни тарбиялаши масаласи янада долзарблик касб этмоқда.

**Калит сўзлар:** кимё, замонавий, инновация, таълим-тарбия, технология.

Таълим жараёнида юқори сифат ва самарадорликка эришиш таълим-тарбия жараёнига нисбатан инновацион ёндашувни талаб қиласди. «Инновация» ибораси инглизча сўздан олинган бўлиб, «инноватион» - «янгилик киритиш», «янги ғоя» деган маъноларни билдиради.

Инновацион ўқитишида билимлар вазифаси ўзгаради. Яъни, аввалги доимий ёд олишдан мантиқий фикрлаш, изланишга ўтилади. Бундай фаолият ўкувчи фаолиятидаги ижодкорликни ривожлантиради. У ўз тенгдошлари ва ўқитувчиси билан ўзаро фаол «субъект-субъект» муносабатларига киришади.

Ўқитиши жараёни динамик ва барҳаёт жабха бўлганлиги туфайли ҳам унга янгилик кириши ва янгиланиш амалиётининг давом этиши табиийдир. Шунингучун ҳам, синалган ва самара берадиган замонавий технологияларни қўллаш зарурӣ ҳолдир.

Кимёни ўқитишида энг қўп тарқалган ва хусусиятга эга бўлган замонавий педагогик технологиялар қуидагилар ҳисобланади: сухбат, баҳс, ўйин, кейс-стади, лойихалар усули, муаммоли усул, ақлий ҳужум ва бошқалар ҳисобланади.

Баҳс (мунозара) - аниқ муаммо бўйича фикр алмашиш, муҳокама шаклидаги таълим беришнинг фаол усули. Мунозара усули ҳамма вазифаларни бажаради

Бу усулдан қуидаги мақсадларда фойдаланилади:

- янги билимларни шакллантиришда;
- ўкувчилар у ёки бу саволларни чуқур ўйлаб кўриш, уларнинг моҳиятига киришни таъминлашда;
- ўкувчиларни далил ва далилларга асосланган хulosалар орасидаги фарқни тушуниб етишга ўргатишда;
- ўзаро фикр алмашинув кўникмаларни шакллантиришда;
- ўкувчиларга шахсий фикрида мустаҳкам туриш ва уни ҳимоя қилишига ёрдам бериш.

Мунозара эркин бўлади, қачонки, у эркин ривожланса, бошқарувчан бўлиши мумкин. У фақат ўзлаштириш лозим бўлган мавзуу ва саволларга тааллуқли бўлиши керак.

Инсерт – самарали ўқиши ва фикрлаш учун матнда белгилашнинг интерфаол тизими. Аввалги билимларни фаоллаштириш ва матнда белгилаш учун саволларнинг қўйилиш муолажаси. Шундан сўнг матнда учрайдиган, ҳар турдаги ахборотларнинг белгиланиши.

Инсерт - матн билан ишлаш жараёнида таълим олувчига ўзининг мустақил билим олишини фаол кузатиш имконини таъминловчи кучли асбоб. Инсерт - ўзлаштиришнинг мажмуали вазифаларини ечиш ва ўқув материалини мустаҳкамлаш, китоб билан ишлашнинг ўқув малакаларини ривожлантириш учун фойдаланиладиган ўқитиш усулидир.

“Ақлий хужум” – “брейнсторминг” (браин сторминг) инглизча сўздан олинган бўлиб, фаол таълимнинг, бошқарувнинг ва тадқиқотнинг методларидан бири ҳисобланади. Бу метод ақлий фаолликни қўзғатади, ижодий ва инновацион жараёнларни тезлаштиради.

Пинборд (инглизчадан: пин- маҳкамлаш, боард – ёзув тахтаси) мунозара усуслари ёки ўқув сухбатини амалий усул билан мослашдан иборат. Таълимий ўйин Ишбилармон ва рол (ҳолат)ли ўйинлар муаммоли топшириқнинг бир тури. Фақат бундай ҳолатда матнли материал ўрнига, ўқувчилар томонидан ўйналадиган саҳналаштирилган ҳаётий ҳолатлар ишлатилади.

Кимёни ўқитища замонавий таълим технологияларидан жуда қўпларидан самарали фойдаланилмоқда. Улардан баъзиларининг тавсифи ва кимёни ўқитища қўлланилиши билан танишамиз.

Блитс-сўров методи сўровда иштирок этувчилар ўртасида психологик коммуникатив алоқани ўрнатади. Саволлар сўровчи томонидан олдиндан тузилади.

Саволлар қисқа аниқ жавобни талаб этади. Бу методда ўқувчиларга ўрганилган бутун мавзуу ва унинг маълум қисмининг асосий тушунчалари ва таянч иборалари бўйича тузилган саволларга жавоб (оғзаки, ёзма, жадвал, диаграмма) кўринишида таклиф этилади.

Масалан: “Металлмаслар” мавзуси бўйича Блитс-сўров

1. Энг енгил металлмас. (Водород)
2. Газ ҳолатдаги қайси металлмас энг оғир? (Хлор)
3. Қайси металлмас даврий жадвалда “доимий рўйхатда” эмас? (Водород)
4. Қайси металлмаснинг номи “ҳаёциз” деган маънони билдиради? (Азот)
5. Наполеон қайси модда бирикмаси билан заҳарланган? (Мишяк)
6. Қайси металлмас сунъий йўл билан олинган? (Астат)
7. Олмос қайси металлмас атомларидан ташкил топган? (Углерод)
8. Қайси элемент етишмовчилигидан бўқоқ касаллиги келиб чиқади? (Ёд)
9. Қайси элемент етишмовчилиги кариесга олиб келади? Фтор
10. Биринчи жаҳон урушида кимёвий қурол сифатида ишлатилган сарғишил газ? (Хлор)
11. Ягона суюқ металлмас? (Бром)
12. Бадбўй элемент? (Бром)

13. Нурли металлмас. (Фосфор)
14. Алкимёгарлар “фалсафа тоши”нинг асосий таркибида қайси элемент бўлади деб тахмин қилишган? (Олтингугурт)

#### “Зинама-зина” технологияси

Технологиянинг тавсифи. Ушбу машғулот ўқувчиларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича якка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда хотирлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишида ифодалай олишга ўргатади. Бу технология ўқувчилар билан бир гурух ичида якка ҳолда ёки гурухларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади ва тақдимот қилинади.

Технологиянинг мақсади. Ўқувчиларни эркин, мустақил ва мантиқий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир эта олишга, уни маъқуллашга, шунингдек, мавзунинг таянч тушунчаларига изоҳ беришда эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланиши: маъруза (имконият ва шароит бўлса), семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида якка тартибида ёки кичик гурухларда ўтказиш ҳамда назорат дарсларида қўлланилиши мумкин.

Машғулотда қўлланиладиган воситалар: А-3, А-4 форматларда тайёрланган (мавзуни ажратилган кичик мавзучалар сонига мос) чап томонига кичик мавзулар ёзилган тарқатма материаллар, фломастер (ёки рангли қалам)лар.

#### Машғулотни ўтказиш тартиби:

- ўқитувчи ўқувчиларни мавзулар сонига қараб 3-5кишидан иборат кичик гурухларга ажратади (гурухлар сони 4 ёки 5та бўлгани маъқул);

- ўқувчилар машғулотнинг мақсади ва унинг ўтказилиш тартиби билан таништирилади. Ҳар бир гурухга қоғознинг чап қисмида кичик мавзу ёзуви бўлган вараклар тарқатилади;

- ўқитувчи гурух аъзоларин тарқатма материалда ёзилган кичик мавзулар билан танишишларини ва шу мавзу асосида билғанларини фломастер ёрдамида қоғоздаги бўш жойига жамоа билан биргаликда фикрлашиб ёзиб чиқиш вазифасини беради ва вақт белгилайди;

- гурух аъзолари биргаликда тарқатма материалда берилган кичик мавзуни ёзма (ёки расм, ёки чизма) кўринишида ифода этадилар. Бунда гурух аъзолари кичик мавзу бўйича имкон борича тўлароқ маълумот беришлари керак бўлади.

- Тарқатма материаллар тўлдирилгач, гурух аъзоларидан бир киши тақдимот қиласи. Тақдимот вақтида гурухлар томонидан тайёрланган материаллар, албатта, синф доскасига мантиқан тагма-таг (зина шаклида) илинади;

- Ўқитувчи гурухлар томонидан тайёрланган материалларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди ва машғулотни якунлайди.